Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади.

Амир ТЕМУР.

Тенглик ҳукм сурган жойда сотқин, алдамчи эҳтиросплар, ғам-ғусса бўлмайди.

БЕРУНИЙ.

ВАТАН АҲЛЛАРИГА ДЕГАНЛАРИМ

Билмоқ керакки, ҳақ олинур, берилмайдур. Ҳар бир миллат ва мамлакат халқи ўзининг ҳуқуқи, дини ва сиёсатини ҳаракат ва иттифоқ ила бошқалардан олади... Биз мусулмонлар, хусусан, Туркистон мусулмонлари, истаймизки, ҳеч бир киши бизнинг дин ва миллатимизга зулм ва таҳдид қилмасун ва бизни ҳам бошқаларга таҳдид қилмоққа асли фикр ва ниятимиз йўқ.

БЕХБУДИЙ.

Ҳурриятнинг баҳоси доимо авлодлар тақдири, ҳаёти, имони ва виждони билан ўлчанади.

Ислом КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 29 август, пайшанба № 112 (22.033).

Газета 1918 йил 27 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА БЕРУНИЙ (АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ) НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Фундаментал фанни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий тадқиқотлар, янги технологияларни ишлаб чиққанлиги ва жорий этганлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасига салмоқли ҳисса қўшганлиги учун қуйидагиларга 1996 йил учун фан ва техника соҳасидаги Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари берилсин:

Э. Т. Абдукаримовга, **Н. Х. Жемилев**га, **Э. Г. Назаров**га — «Атом комплексларининг қаттиқ жисм сирти билан ўзаро таъсири; янги технологиялар ва приборлар (1979-1995 йиллар давридаги тадқиқотлар цикли)» тадқиқоти учун;

С. С. Содиқовга (марҳум), **В. А. Автономов**га, **А. М. Батталов**га, **К. М. Маҳмадалиев**га — тезпишар ва серҳосил, тола сифати юқори бўлган ўрта толали ғўза навлари яратгани ва ишлаб чиқаришга жорий этгани учун;

М. Календеровга, **К. Д. Давлетбоев**га, **Р. Есемуротова**га, **А. Тўрабоев**га — «Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати» (тўрт жилд) яратганлиги учун;

О. С. Маҳмудовга «Болаларда ўткир ичак касалликлари» иши учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

САССОН КАКШУРИНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасида теннисни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссаси учун «ИТП лимитед» компанияси президенти, халқаро теннис турнирлари ташкилотчиси **Сассон Какшури** «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 28 август.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бугун, 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 29 август куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ДЎСТЛИК САРОЙИДА ҚЎШИҚ БАЙРАМИ

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ниҳоясига етди. 28 август куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида мазкур танлов ғолиблари ва қатнашчиларининг катта концерти бўлди. Концертга Президент Ислом Каримов ташриф буюрди.

Маҳобатли зал санъат ихлосмандлари билан гавжум. Қўшиқ байрами Ўзбекистон Давлат мадҳияси билан очилади.

Юртбошимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови қатнашчиларига табрик йўллаган ҳамда «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами ҳақида Фармон қабул қилган эди. Унга кўра ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб эълон қилинди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев мазкур табрик ва Фармонни ўқиб эшиттирди.

Муҳташам саройда миллий анъаналаримизни, асрий қадриятларимизни улуғловчи, Ватанга, халққа меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган қўшиқлар янграйди. Уларда бунёдкор халқимизнинг фидокорона меҳнати, юртимизнинг файзу тароватини таранум этилади.

Республикамиз Президенти маданиятни юксалтиришга, санъатни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу айниқса, ёш қобилият соҳибларига ғамхўрликда янада яққол намоён бўлаётир.

В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган ўрта мактаб-интернати ўқувчиси, ёш скрипкачи Даниэл Холиқов ана шундай меҳр ва ғамхўрликдан баҳраманд бўлган, бугунги кунда юртимиз шарафини бутун дунёга таратаётган истеъдод эгаларидан биридир.

Концертда бу ёш санъаткорга унинг мусиқа ижрочилик маҳоратини ошириш, халқаро кўрикларда муваффақиятли қатнашишини таъминлаш мақсадида Президент Ислом Каримов номидан нодир мусиқа асбоби — италиялик таниқли уста Пьер Лоренсо Вангелисти томонидан 1760 йили ясалган скрипка топширилди. Ёш созанда мазкур скрипкада илк бор куй ижро этди.

Шу оқшом куйланган Ватанни мадҳ этувчи, халқимизнинг ғурурини кўкка кўтарувчи қўшиқлар тингловчилар олқишига сазовор бўлди. Бу эса қўшиқ байрами яхши анъанага айланиб қолишидан далолат беради.

Концертда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур танловни ўтказиш республика қўмитаси раиси И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

КАТТА ТЎЙГА ТЎЁНА

ТОШКЕНТ. Юнусобод туманида истиқлолимизнинг беш йиллиги олдидан мамлакатимизда ягона бўлган «Ўсмирларни соғломлаштириш маркази» очилди. Бу йирик марказнинг очилиш маросими байрамга айланиб кетди. Айниқса, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Малика Зиёева, мазкур марказ бош шифокори Маҳбуба Орифхонова ва бошқалар мустақиллигимизнинг кундан-кунга мустаҳкамланиб, она диёримизнинг чирой очиб бораётганлигини, бундай жойларнинг очилиши истиқлолимиз шарофати эканлигини ифтихор билан таъкидладилар.

Собир ДЎСТОВ.

УРГУТ МАРМАРИНИ ОЛМАБСИЗ...

САМАРҚАНД. *Ургутда ҳам мармар кесмалар тайёрлаш бошланди. «Мибот» хусусий корхонаси миллий банкдан қарз олиб, Италиянинг «Марр-денти» фирмасидан мармарни қайта ишлаш ускунасини келтириб ўрнатди. Фирма ишчилари ойига 8 минг квадрат метр бежирим ва сержило, жаҳон андозаларига мос мармар кесмалар тайёрлашмоқда.*

Фармон ТОШЕВ.

БУНЁДКОРЛАР ТУҲФАСИ

СИРДАРЁ. Муборак байрам арафасида Ширин шаҳрида спирт заводи ишга туширилди. Корхона ҳозирча бир кеча-кундузда 2 тонна тоза спирт ишлаб чиқариш қувватига эга. Кейинчалик иш ҳажми оширилади. Корхона жамоаси дастлабки маҳсулот — 2,5 тонна тоза спиртни вилоят шифохоналарига совға қилди.

Абдужалил УМАРОВ.

ҚУВАСОЙ ОЙНАСИДА ЖАҲОН АКСИ

ФАРҒОНА. *Қувасойда «Кварц» акциядорлик жамиятининг ойна ишлаб чиқариш заводи қуриб битказилди. Марказий Осиёда улкан ҳисобланган бу корхонада йилига 10 миллион квадрат метр қурилиш ойнаси тайёрланади. Заводда шунингдек, «ЎзДЭУавто» корхонаси учун ҳам ойна ишлаб чиқариш мўлжалланган.*

Алишер ИБОДИНОВ.

СУРАТЛАРДА: *сессияга келган депутатларни рўйхатга олиш пайти.*

Муҳаммад АМИН олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар, кўрик-танлов қатнашчилари!

Мустақил мамлакатимизда биринчи маротаба ўтказилаётган улкан қўшиқ байрами — «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг барча қатнашчиларини ва ғолибларини самимий қутлайман.

Бу кўрикда минг-минглаб истеъдодларнинг қатнашгани, мустақиллик, нурли келажак ва она юрт ҳақида юрагидан тўлиб-тошиб куйлагани чиндан ҳам қувончли ҳодисадир. Бу — кўп йиллик мафкуравий тузум зуғуми туфайли асоратда қолган тафаккур ва дунёқарашнинг ўзгарганини, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қадимий шон-шавкати қайта тикланганини кўрсатди.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадул-абад қолади. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир. Энг гўзал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар элу элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга ва кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

Кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди, деб ўйлаганлар хато қилади. Аксинча, у энди бошланди. Чунки танлов даврида яратилган ўнлаб мафтункор қўшиқлар халқимизнинг дилига кўчди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди, Ватанимизга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат янги куй-қўшиқларда ўзгача акс-садо берди.

Азиз дўстлар!

Биз Ўзбекистонимизни мадҳ этган қўшиқларни баралла куйлашдан ҳеч қачон чарчамайлик. Серқуёш диёримиз ва унинг меҳнаткаш, меҳмондўст, мағрур фарзандлари ҳақидаги қўшиқлар мангу янграйверсин! Оллоҳ бизларга насиб этган келажаги буюк ва қудратли Ватанимиз ҳамиша омон, остонаси доим нурли бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа бўлганини, минглаб фуқароларимиз томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қўлгаб-қувватланганлигини эътиборга олиб, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак бўлса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларни яратилишига кенг имконият тугдириш мақсадида:

1. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида қўшиқ байрамини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 август.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари, республикамизнинг барча фуқароларига

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Мустақил ёш давлатимиз тарихидаги шонли сана — миллий истиқлолга эришганимизнинг беш йиллиги билан ҳаммангизни чин дилдан муборакбод этамиз!

Ўзининг бунёдкорона мазмун-моҳияти ҳамда барчамиз учун тақдириломон аҳамияти жиҳатидан ўн йилликларга тенг, ўтган қисқа давр ичида халқимиз, республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигида, ўз тараққиёт йўлини танлаб, ундан қатъий бораётгани туфайли фахрланишга арзигули, кенг қамровли ютуқларни қўлга киритди. Демократик тамойиллар асосида бунёд этилаётган давлатимизда фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан кафолатланмоқда, бозор муносабатлари ўзанларидаги иқтисодий ислоҳотлар самараси боис, ишлаб чиқаришда юксалиш сари бурилиш юз бермоқда, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлашган истиқлол маънавияти шаклланмоқда, Ўзбекистон тинчлик ва ҳамкорликка қаратилган ташқи сиёсати орқали бутун дунёга танилмоқда.

Мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар — озодликка эришган халқимиз, жумладан, унинг муносиб фарзандлари — Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ҳам, ислоҳотлар сиёсатига содиқлиги, ўз куч-имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланаётганлиги натижасидир. Ўтган беш йил давомида қилган фидокорона меҳнатимиз туфайли қўлга киритилган қувонарли якунлар танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолат бериши билан бирга, она-Ватанимизнинг қутлуг келажаги, унинг саодатли кунларининг яқинлигига барчамизнинг ишончимизни тобора мустаҳкамламоқда.

Партиядошлар, биродарлар, ҳамюртлар!

Ҳаммаларингизни жонажон Ватанимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг муборак беш йиллиги билан табриклаб, мамлакатимиз равнақи йўлидаги олижаноб ишларингизга омад, рилаларингизга тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмида

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партия МК Сиёсий ижроқўмининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессияси кун тартиби юзасидан умумий нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўрилди.

МК Сиёсий ижроқўми мамлакат парламенти навбатдаги сессиясининг ёш давлатимиз тарихидаги муҳим воқеа — миллий мустақиллик беш йиллиги арафасида ўтиши унга алоҳида аҳамият бахш этишини таъкидлаб ўтди.

У Олий Мажлисдаги ХДП фракцияси аъзоларига сессияда кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалаларнинг давлатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиши учун муҳимлиги ҳамда уларнинг партия дастурий мақсадларига ҳамоҳанглигини ҳисобга олиб, таклиф этилаётган кун тартиби, шунингдек, муҳокамага қўйилиши кўзда тутилаётган қонун ва ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, қўллаб-қувватлаш, шунингдек, фракциянинг, ҳар бир лойиҳа бўйича, умумий нуқтаи назарини ҳимоя қилишни тавсия этди.

Сиёсий ижроқўм Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шаҳар ва туман партия кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларига, ХДП аъзоси бўлган барча халқ депутатлари билан биргаликда, истиқлолнинг беш йиллигига бағишланган, аҳоли орасида олиб борилаётган байрам тадбирлари жараёнида олтинчи сессия якунларига доир тушунтириш ишларини уюштиришни топширди. Айни пайтда, у, биринчи ўқишда қабул қилинадиган қонунлар, хусусан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг сессиядан кейинги муҳокамасида фаол иштирок этишни зарур, деб топди. Муҳокамага партиямиз барча фаолларини жалб этиш, унда оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш лозим, дейилади қабул қилинган қарорда.

Сиёсий ижроқўм «Ўзбекистон овози» — «Голос Узбекистана» газеталарининг ягона таҳририят ҳайъати таркибини тасдиқлади.

Мажлисда партия ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШАЙЛИК!

Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишидан

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакатимиз парламентидаги фракцияси фаолиятида Олий Мажлиснинг ҳар бир сессияси арафасида ўз йиғилишини чақириш одат тусига кирмоқда. Бу сафар ҳам шундай бўлди. 1996 йил 28 август куни унинг навбатдаги мажлиси ўтказилди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ҳамда унинг муҳокамасига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фракция нуқтаи назарини ишлаб чиқиш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Бу ҳақда фракция раиси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Жалолов маъруза қилди.

Маърузачи сессия муҳокамасига киритилаётган масалалар ўзининг кенг қамровлилиги, ранг-баранглиги, Олий Мажлиснинг қонун яратувчилик фаолияти билан мунтазам шуғулланувчи парламентга айланиб бораётгани, мамлакатимизнинг эса, изчиллик ва собитқадамлик билан ҳуқуқий давлат сари олға силжиётганини таъкидлаб ўтди. У фракция аъзолари диққат-эътиборини Ватанимизда ислоҳотларнинг бориши, ХДП, барча фуқаролар учун жиддий, юртимизда демократик тамойилларни ривожлантириш борасида тақдириломон аҳамиятга эга ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасига жалб этди. Ўзбекистон ХДПнинг, парламентчилик қарор топган мамлакатлардаги сиёсий партиялар ва уларнинг фракциялари фаолиятини ўрганиш, улардаги ижобий тажрибани ҳисобга олиш асосида, мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашда иштирок этганини қайд қилди.

Ушбу ҳужжатнинг биринчи ўқишда қабул қилиниб, сўнг уни умумхалқ муҳокамасига қўйилиш эҳтимоли, унинг устида ишлашни давом эттириб, маромига етказиш имконини беради. Барча вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари ва депутатларимиздан бу ишда фаол иштирок қилиб, лойиҳа ҳақида қўшимча таклиф ва фикр-мулоҳазалар берилиши кутилади.

Музокараларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси котиби Р.Турдиев, Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари ўринбосари, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э.Аъзамов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда сессия кун тартибига киритилаётган масалалар Ўзбекистонда амалга оширилаёган туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, демократик тамойилларни кучайтириш, ҳуқуқий давлат ва адолатли жамиятни барпо этишга қаратилганлиги ҳамда уларни тайёрлаш жараёнида ХДПдан сайланган депутатлар бевосита иштирок этганликлари ҳисобга олиниб, уларни, асосан, қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Шунингдек, унда фракция аъзолари навбатдаги сессия ишига юксак масъулият билан ёндашадилар, унинг самарали ва муваффақиятли ўтишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирилди.

Йиғилиш «Чағаниён» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси , фракция аъзоси К.Сапиевнинг ўз депутатлик ваколатларини қандай бажараётганлиги ҳақидаги ахборотини тинглаб, уни маълумот учун қабул қилди.

Мажлис ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Д.Ғуломова қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Истиқлолнинг ҳаётбахш нафаси

ПОЙТАХТ БАЙРАМ АРАФАСИДА

Азим шаҳарда ўзгача файз, тароват. Тошкентликлар руҳиятида ҳам элимизга хос ентиллик, эркинлик, қутлуғ айёмга интиқлик. Ёшариб, ободонлашиб бораётган қадимий Шошда катта тўйга зўр тараддуд. Мухбиримиз шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокими К. Н. ТЎЛАГАНОВ билан суҳбатлашди.

— Козим Носирович, истиқлолимизнинг 5 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўриляпти. Анъанавий байрамнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Ҳақиқатан ҳам бу сафар қутлуғ байрамга ўзгача ҳозирлик кўриляпти. Айём—тарих учун жуда қисқа давр бўлиб кўринган беш йил мобайнида эришилган муваффақиятларимиз кўзгусидир. Таъбир жоиз бўлса, бу йиллар мобайнида «сакраш» қилинди, дегим келади. Боиси, мустақилликка эришган МДҲ мамлакатлари орасида ҳар жиҳатдан ажралиб турибмиз, десак бўлади. Кўз тегмасину иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда ўз йўлимизни танлаганимиз, беш тамойилга риоя қилаётганимиз самарали кечмоқда. Маълумки, юртимизда бўлгани каби Тошкентда ҳам аввало мулкни хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқаришга катта эътибор қилинди. 1993 йилга келиб уй-жой фондини хусусийлаштириш ишлари якунланди. Жами 282 минг квартира, шундан 105,9 мингтаси имтиёзли асосда хусусийлаштириб берилди. Кейин хизмат соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш бошланди. 627 та савдо, 390 та маиший хизмат объектлари хусусийлаштирилди. 1994-95 йилларда савдо, маиший хизмат ва маҳаллий саноат масканларини хусусийлаштириш давом этди. Бундай тадбирларнинг самараси ўлароқ кичик ва ўрта корхона эгалари асосида мулкдорлар юзага келди. Маълумки, мулкдорлик ривожлангани сари иқтисодий ислоҳотлар ҳам одимлайверади. Муҳими, одамлар ўзларининг қадр-қимматини, қоларса, ўзлигини ҳис этадиган, озод юртимизга меҳр билан қарайдиган бўлдилар. Қунгилларига Ватан туйғусини жо қилдилар. Юртимизда, унинг пойтахтида барқарорликнинг ҳукм сураётганлиги ҳам ана шундан.

Гапнинг ростига кучадиган бўлсам, эришилган ютуқлар билан кифояланиб бўлмайди. Биз келажакда буюк демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида хамиша изланишимиз ва собит туришимиз лозим.

— Беш йил мобайнида, айниқса, кейинги йилларда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб бораяпти. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳақида одамлар суюниб гапиришмоқда.

— Дарвоқе, шаҳримиз бир қарашда улкан қурилиш майдонини эслатади. Янгисини қуриш, эскисини таъмирлаш, ободонлаштириш ва қуқаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилаётир. Мақсад, Шарқ дарвозаси булган шаҳримизни энг қуркам, халқаро талабга жавоб берадиган, ривожланган, санъат ва маданият ғушаларидан бирига айлантириш. Байрамга турли мамлакатлардан меҳмонларнинг келишлари табиий. Албатта, улар катта ривожланишни бошидан кечираётган мамлакатимиз пойтахтига ҳавас билан қарашларини истаймиз. Кейинги етти ой мобайнида шаҳар қурилишига 18,3 миллиард сум йўналтирилди. 238,5 минг кв. метрли уй-жой фойдаланишга топширилди. Водопровод тармоғи 35,1, канализация йўли 19,3, марказдан иситиш тармоғи 2,6 километрга узайтирилди. Шаҳримизда янги уй-жой даҳалари юзага келди. Айниқса, Тошкентнинг Эски шаҳар қисми мутлақ узгарди. Сағбон, Қорасарой, Фаробий, Беруний кўчалари бўйлаб троллейбус қатнамоқда. Абдулла Қодирий, Амир Темур, Ҳамза, Афросиёб, Туроб Тула ва «Фарғона йўли» кўчалари таъмирланиб, кенгайтирилди. Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳасидаги ер ости транспорт йўлаклари қурилиши якунланди. Сиргали, Қора-Қамиш, Белтепа, Жарариқ, Ал-Хоразмий мавзеларида янги кучалар фойдаланишга топширилди.

Германиянинг «Виртген» технологияси асосида Пушкин, Генерал Узоқов, Улуғбек кўчалари таъмирланяпти. Энди шаҳримизнинг равон кўчалари бўйлаб йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатиш буйича узлуксизликка эришиш керак. Ҳозир 114 та автобус, 21 та трамвай, 25 та троллейбус маршрутлари ва 33 та номерли маршрут таксисида шаҳарликларга хизмат кўрсатиляпти. Кунига 2,3 мингдан кўпроқ транспорт воситаси 2 миллиондан кўпроқ йўловчи хизматида. Уйлайманки, бу борадаги ишларни янада яхшилашда республика Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча эълон қилинган «Шаҳар аҳолисига йўловчи ташиш транспортида хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосий дастуримиз булади.

— Тошкент саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифати ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Йилимизнинг ўтган ойлари мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш 121,8 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмол молларини тайёрлаш эса 148,2 фоизга етди. Деярли саноатнинг ҳамма соҳасида ишлаб чиқариш сурьатлари кўзга ташланмоқда. Айниқса, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат ва тиббиёт соҳаларида юқори натижалар қўлга киритилди. Бу борада акциядорлик жамиятларига айланган корхоналарда қўлга киритилаётган ютуқлар муваффақиятли кечмоқда. Хусусан, шу йилнинг ярми ҳисобида акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 54,7 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, бурноги йил худди шу муддатда 2 фоиздан ошмаган эди. «УзДЭУ электроникс», «Агрегат» заводи, «Юлдуз» акциядорлик жамияти, «Совпластитал» ҳамда «Зафар» сингари қушма корхоналарда ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори эканлигини таъкидлаш керак.

— Одамлар кайфиятини, одобини билиш учун бозорга бор, дейишади. Ўйлайманки, бозорларимизда савдо хизмати кўрсатиш, харидорлар кўнглини олиш ишлари бўйича ҳам кўпгина ишлар қилинди.

— Шаҳарликларга савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш муҳим масалалардан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда булгани каби замонавий дуконларни очиш, хусусан супермаркетларни ташкил этишга аҳамият берилянти. Ҳозир 7 та ана шундай энг илгор усулда савдо кўрсатувчи дуконлар хизматидан кўпчилик мамнун. Байрам муносабати билан А. Икромов, Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек ва Сиргали туманларида ҳам супермаркетлар очилади. Бозорларни кўпайтираётганимиз, мавжудларини кенгайтириб, таъмирлаётганимиз кўпчиликка маъқул келяпти. «Миробод» бозори ҳам деярли тахт қилиб қўйилди. «Ипподром», Бектемир ва бошқа жойлардаги бозорларни таъмирлаш якунланмоқда. Муҳими, 20 та бозор асосида 12 та акциядорлик жамияти тузилган. Акциялардан тушаётган фойда 1,5 баробарга кўпайди. Кредитларни қурилиш ва таъмирлаш ишларига сарфланаётгани деҳқон бозорларини ободонлаштиришга имкон бермоқда. Бозорларимиз ҳар қандай хорижий меҳмоннинг ҳавасини келтирадиган даражада булади.

— Маълумки, Истиқлол байрамининг катта тантаналари Мустақиллик майдонида ташкил этиш анъанага айланган. Ундан одамлар унутилмас таассуротлар олиши табиий...

— Байрам сайиллари шаҳримизнинг барча ғушаларида давом этади. Албатта, мустақиллигимизнинг беш йиллигига бағишланган байрам тадбирларида ўзгача манзара ва тароват касб этади. Мустақиллик майдонида қарийб ўн минг ўринли очиқ саҳна бунёд этиляпти. Томошабинлар кўз ўнгида Ватанимизда қўлга киритилаётган ютуқларни ўзига хос усулда намойиш этиш кўзда тутилган. Икки соат мобайнида бу ерга йиғилганлар Ватанга булган муҳаббат, истиқлолдан қониқиш ва фахрланиш туйғуси билан қайтадилар, деган умиддаман. 1 сентябрь куни эса шаҳримиздаги «Мустақиллик», «Халқлар дўстлиги», Мирзо Улуғбек, Амир Темур ва Навоий номли театр майдони, Сайилгоҳ кўчаси ва Анҳор бўйлари шаҳарликлар ихтиёрида булади. Кеч оқшомгача оммавий сайиллар булади. Бир сўз билан айтганда, шаҳримиз буйига ва энига кенгаймоқда. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом этади. Мақсад янги аср бусағасида қадимий шаҳримиз қиёфасини ёшартириб, келажак авлод одамлари фахрланадиган даражада етказиш. Ниятимиз — халқимиз чеҳрасида табассум аримасин. Кайфиятлари чоғ, қадамлари собит бўлсин!

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» махсус мухбири Ҳайдар НОСИРОВ.

ГОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танлови катта муваффақият билан якунланди. Республика миқёсида кўтаринки руҳда ўтган ушбу тарихий тадбирда халқимизга манзур бўлган ўнлаб сара қўшиқлар янгради.

Ватанимизни улуғловчи, унинг қудрати ва шоншуҳратини мадҳ этувчи жозибадор қўшиқлар халқимиз қалбидаги юксак ватанпарварлик туйғуларини янада жўштириб юборди.«Туркистон» саройида бўлиб ўтган якуний босқичда кўрик-танлов ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Кўрик-танловда фаол қатнашган бир гуруҳ машҳур халқ артистлари, хизмат кўрсаттан артистлар бу катта тадбирда мамлакатимиз фуқароларидан 54 минг киши қатнашганлиги, ўн мингдан зиёд янги қўшиқлар яратилганлигини ҳисобга олиб ўзларига берилиши мумкин бўлган мукофотларни ёш истеъдодларга бериш ҳақида ҳайъатга махсус мурожаат этдилар. Ҳайъат бу мурожаатни эътиборга олиб, халқимизнинг таниқли санъаткорларига миннатдорлик билдирди.

Ҳайъат аъзоларининг бир овоздан келишувига мувофиқ кўрик-танлов ғолиблари учун бериладиган биринчи ўрин (125 минг сўм) очиқ қолдирилди. Анъанага айланаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида ғолиб қўшиқ яратилишига асло шубҳа йўқ. Халқимиз истеъдодларга бой. Буюк Ватанимизни бор овозда куйлайдиган энг дилбар, энг жозибадор ва энг оммавий қўшиқларнинг яратилиши табиий.

Кўрик-танлов ҳайъати қарорига мувофиқ ғолиблар қуйидагича белгиланди:

Иккинчи мукофот (ҳар бири 70 минг сўмдан):

1. **Бахтиёр УМИРОВ**га, «Она юртим» қўшиғи ижроси учун, З. ОБИДОВ шеъри, Ш. АСРАҚУЛОВ мусиқаси (Тошкент вилояти).

2. **Асатилло ХОЛИҚОВ**га, «Ўзбекистон аскарлари» қўшиғи ижроси учун, А. ОБИДЖОН шеъри, А. НАЗАРОВ мусиқаси (республика Мудофаа вазирлиги).

3. **Роза КУТЕКЕЕВА**га, «Мустақиллик гуллари» қўшиғи ижроси учун, И. ЮСУПОВ шеъри, Н. МУҲАММАДИНОВ мусиқаси (Қорақалпоғистон Республикаси).

Учинчи мукофот (ҳар бири 50 минг сўмдан):

1. **Саломат ИБРОҲИМОВА**га, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи ижроси учун, И. ЖИЯНОВ шеъри, С. ИБРОҲИМОВА мусиқаси (республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги).

2. **Павел БОРИСОВ**га, «Мен сени севаман, Ўзбекистон» қўшиғи ижроси учун, Р. ФАРҲОДИЙ шеъри, П. БОРИСОВ мусиқаси (Тошкент шаҳри).

3. **София САФТАРОВА**га, «Ватан ягонадир» қўшиғи ижроси учун, Х. БОБОМУРОДОВА шеъри, С. САФТАРОВА мусиқаси (Самарқанд вилояти).

Рағбатлантирувчи мукофот (ҳар бири 30 минг сўмдан):

1. **Дилшод КАТТАБЕКОВ**га, «Озод элни ўғлиман» қўшиғи ижроси учун, Н. АМИНЖОНОВ, М. АЗИМОВ шеъри, А. НАЗАРОВ мусиқаси.

2. **Галина ШИН**га, «Ўзбекистон масканим» қўшиғи ижроси учун, Ким Мон ОК шеъри, Ким Хо НАМ мусиқаси.

3. **Қодир ЖЎРАҚУЛОВ** ва Владимир КОЛЕСНИКОВга, «Навоий» қўшиғи ижроси учун, И. ЖИЯНОВ шеъри, А. ИКРОМОВ мусиқаси (Навоий вилояти).

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ҳайъати 1996 йил, 26 август, Тошкент шаҳри

***

Шунингдек, республика кўрик-танловни ўтказиш таъсисчилари ҳам қатнашчилар учун қуйидаги махсус мукофотларни бердилар:

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги — М. САМАНДАРОВАга «Истиқлол бонги» қўшиғи ижроси учун (Бухоро вилояти).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси — **А. ШАРИПОВ**га, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи ижроси учун (Қашқадарё вилояти).

Республика бастакорлар уюшмаси — **Н. ЎРИНОВ**га, «Доруломон» қўшиғи ижроси учун (Сирдарё вилояти).

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази — **Р. ҲАМИДОВ**га «Хумо қуши ҳақида» қўшиғи ижроси учун (Наманган вилояти).

Ўзтелерадиокомпанияси — **И. ИБРОҲИМОВ**га, «Ватанни севмоқ иймондандур» қўшиғи ижроси учун (Фарғона вилояти).

Қуйидагилар республика жамғармалари томонидан тақдирландилар:

«Камолот» жамғармаси — **«БОЙЧЕЧАК»** болалар хор жамоасига «Юртим баҳори» қўшиғи учун.

«Экосан» жамғармаси — **Ж. АҲМЕДОВ**га, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи учун (Хоразм вилояти).

«Маҳалла» хайрия жамғармаси — Тошкент шаҳар 607-сон болалар боғчаси қатнашчиларининг «Хумо қуши» қўшиғи учун.

«Наврўз» хайрия жамғармаси — бастакор **Д. ОМОНУЛЛАЕВА** ва шоир **Ж. ЖАББОРОВ**га, «Зарралари зар Ватан» қўшиғи учун.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мукофоти — **М. АБДУЛҲАЕВ**га, «Элим деб, юртим деб яшайлик» қўшиғи ижроси учун (Андижон вилояти) берилди.

Республика хотин-қизлар қўмитасининг махсус мукофотига — **Қ. ОҚИЛОВА** «Ҳур халқлар шарафи, жони сан диёр» қўшиғи учун сазовор бўлди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси мукофоти билан — **А. ЙЎЛДОШЕВ**, «Кўнгиллар тоғдай бугун» қўшиғи учун тақдирланди (Жиззах вилояти).

«Соғлом авлод учун» республика жамғармаси мукофоти ёш хонанда **Д. КАТТАБЕКОВ**га берилди.

ХАЛҚАРО ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ ЖАМОАСИ

жонажон мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини Ўзбекистоннинг умумхалқ байрами - мустақиллигимизнинг 5 йиллиги билан чин қалбдан самимий муборакбод этади. Барчангизга равнақ топаётган муқаддас ва озод ватанимиз қучоғида осойишта, фаровон ҳаёт, бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фидокорона ҳалол меҳнатларингизга файз-барака тилаймиз.

Озиқ-овқатдан заҳарланишди

Грециядa сайр кемасининг нуфузи анча баланд. Сешанба кунги манбалардан маълум бўлишича, немада саёҳат-сафарига чиққан 1300 нафар йўловчининг 400 нафари Крит оролида тайёрланган озиқ-овқатдан заҳарланишган. Йўловчилардан 4 нафари навбатдаги порт шифохонасига жойлаштирилди. Қолганлари эса биринчи тиббий хизматдан сўнг ўзларини яхши ҳис қилаётганини айтишди.

Грециянинг асосий порт шаҳри Ираклиандаги, жамоатчилик бош шифокори Михаилис Каукианзакиснинг таъкидлашича эса бемор йўловчилар бемалол «йўлида» давом этиши мумкин. Судна агенти Доминтиос Магавелиас эса қўшимча равишда яна 10 нафар йўловчи шифохонада биринчи тиббий хизмат олишга муҳтожлигини маълум қилди.

Комендантлик соати жорий қилинди

Шри-Ланканинг шимолий қисмидаги Коломбо шаҳридан 131 миль узоқликдаги полиция маҳкамасига номаълум шахс қўлбола граната итқитди. Портлаш натижасида икки нафар киши ҳалок бўлди, 14 нафари эса тан жароҳати олди. Шаҳар ҳарбий вакилининг маълум қилишича, ўлганларнинг бири полиция ходими ва ўткинчи йўловчи бўлган.

Нил тошқини кутиляпти

Нил — Мисрнинг асосий сув манбаи бўлибгина қолмай, балки унинг фахри ҳамдир. Миср ҳукуматининг маълум қилишича, келгуси ойда кутилаётган ёғингарчиликдан Нил дарёсининг сатҳи кескин кўтарилиши кутилмоқда. Бу йилги юз бериши мумкин бўлган сув тўфони ўтган йиллардагидан ҳам бирмунча юқори —100 миллиард кубметргача етиши мумкин деб тахмин қилинмоқда.

Мисрликлар Нил дарёси тошқин ва талафотларини ҳам табиийдек қабул қилади. Чунки уни бекорга «қут-баракали шўх дарё» дейишмайди-да.

BETA



GROUP OF COMPANY
Ўзбекистон филиали

Республика ҳукуматини ва бутун ўзбек халқини Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги билан қизғин табриклайди. Истиқбол режалари, хорижий шериклар билан амалга оширилаётган йирик-йирик лойиҳаларнинг рўёбга чиқишини тилайди! Ҳар бир хонадонга Оллоҳ таолодан барака сўрайди. Ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарлик бундан буён ҳам ривожланаверсин.



Манзилимиз:
Усмон Юсупов кўчаси
119 уй.
Тел. 48-05-10,
44-75-78

Ўзбекистон-Хитой

"СУВЖИҲОЗГАЗ"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Барча ўзбек халқини буюк истиқлол байрами - Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан қизғин муборакбод этади.

Ўзбекистоннинг янада тараққий этиши ва гуллаб-яшнаши йўлида иқтисодий ислоҳотларни чуқур амалга ошириш борасидаги амалий ва босқичма- босқич изчил қадамлар бизни беҳад қувонтирмоқда.

Қутлуғ айём арафасида Ўзбекистон халқига эсон-омонлик, барқарорлик ва равнақ ҳамда буюк келажак йўлида собитлик тилаймиз.

"СУВЖИҲОЗГАЗ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ.




Ўзбекистон - Америка

"АЛ-ФАРОСАТ"

қўшма корхонаси

БУТУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ
Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг
5 йиллиги муносабати билан
самимий қутлайди ва бахт-саодат,
равнақ ҳамда фаровонлик тилайди!

Манзилимиз:
Тошкент, Буюк Турон, 41
Тел: 33-91-92, 36-73-44

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

"АвтоУаз" акциядорлик жамиятининг расмий дистрибьютери "Осиё-Волга" минтақаларо маркази Ўзбекистон истиқлолининг беш йиллиги байрами билан бутун республика халқини муборакбод этиб, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги яратувчилик ишларида улкан ривож тилайди.

Тошкент, Навоий кўчаси, 16-А
Телефон/ факслар:
(3712) 41-52-41 ,41-58-51,
36-00-08.

"КАМОЛА ПАРВОЗИ" ФИРМАСИ

Азиз юртдошлар! Давлатимиз мустақиллигининг беш йиллиги билан муборакбод этиб, хонадонингизга файзу барака, тинчлик - хотиржамлик, ишингизга унум тилайди.

Фурсатдан фойдаланиб, фирмамизга таклиф этамиз.
Енгил ва юк автомобиллари учун
COOD YEAR
шиналарини Тошкентдаги омборимиздан харид этишингиз мумкин.
Ҳақ тўлаш шакли — сўмда пул ўтказиш йўли билан.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 52.
Мўлжал: Тошкент фармацевтика заводи рўпарасида.

Телефон: 56-41-25.

Очиқ турдаги «ЮЛДУЗ» ҳиссадорлик жамияти

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини, эркин, озод фуқаросини, юрт фидойиларини, унинг истиқлоли ва иқтисодиётининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшаётган хорижлик ҳамкорларни, енгил саноат соҳасидаги ҳамкасбларини буюк Ҳуррият байрами —

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан самимий қутлайди.

Yulduz

Азиз ватандошлар, озод юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутаётган ўрни, мавқеи кундан-кунга ошиб бормоқда. «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти бундан кейин ҳам мамлакатда изчил амалга оширилаётган улкан иқтисодий ислоҳотларга ўз улушини қўшаверади. Диёримизда эсаётган мустақиллик шабадаси ҳар бир туману, ҳар бир хонадонга ўзгача файз ва шукуҳ бахш этмоқда. Мустақилликни бундан буён авайлаб-асраш, унинг қадрига етиш эса сиз билан бизнинг қўлимизда. Келинг азизлар, уни кўз қорачиғидек асрайлик, она-юрт довруғини жаҳонга ёяйлик!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Салим АШУРОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул),
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»),
Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Ислом ШОҒУЛОМОВ.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БАЙРАМ ҚУВОНЧ КЕЛТИРСИН

Маълумки, байрам тантаналари кўнгилдагидай ўтишида жамоат тартибини сақлаш билан бир қаторда йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ИИББ ДАН бошқармаси бошлиғи Холмат ЗОКИРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун Тошкент шаҳрининг марказида транспорт қатновининг тартибига бир қадар ўзгартириш киритиш зарурати туғилмоқда. Байрам тантаналари Мустақиллик майдони, Алишер Навоий ёдгорлиги мажмуаси, Миллий боғ, Амир Темур хиёбони, Хадра, Халқлар дўстлиги ва Навоий театри майдонларида бўлиб ўтади.

Байрам қатнашчиларининг, меҳмонларнинг ва қолаверса барча тошкентликларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 31 август ва 1 сентябрь кунлари айрим кўчаларда ҳамма турдаги транспорт воситаларининг қатнови тўхтатилади. Бундан барвақт хабардор бўлиш ҳар хил ноқулайликларнинг олдини олади.

31 август куни тушки соат 14.00 дан кечқурун соат 22.00 га қадар қуйидаги кўчаларда транспорт воситалари ҳаракатланишига йўл қўйилмайди.

— Навоий кўчаси Абай кўчасидан Амир Темур кўчасигача;

— Усмон Юсупов кўчаси Навоий кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасигача;

— Амир Темур кўчаси Истиқлол кўчасидан Абдулла Қодирий кўчасигача;

— Ҳамза кўчаси Истиқлол кўчасидан Абдулла Тўқай кўчасигача;

— Охунбобоев кўчаси Истиқлол кўчасидан Абдулла Тўқай кўчасигача;

— Мовароуннаҳр кўчаси Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасигача;

— Тарас Шевченко кўчаси Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасигача;

— Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Шароф Рашидов кўчаси Абдулла Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Ўзбекистон кўчаси Мовароуннаҳр кўчасидан Абай кўчасигача;

— Пушкин кўчаси Истиқлол кўчасидан Абдулла Тўқай кўчасигача ёпилади.

— Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ, «Правда Востока», Камол Ота Турк кўчалари эса тўласича ёпилади.

1 сентябрь куни Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг байрам муносабати билан бўлиб ўтадиган оммавий сайллари вақтида ҳам бир қатор кўчаларда транспорт қатновини тўхтатишга тўғри келади.

Жумладан, шу куни эрталаб соат 8.00 дан то халқ сайли тугагунга қадар:

— Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Амир Темур хиёбони, Матбуотчилар, Сулаймонова, «Правда Востока» кўчалари тўласича ёпилади.

Бу кўчаларда истисно тариқасида жамоат транспорти қатнови таъқиқланмайди.

Юқорида тилга олинган кўчаларда икки кун давомида транспорт қатнови тўхтатилганлиги муносабати билан шаҳар жамоат транспортининг ҳаракатланиш йўналишлари ҳам ўзгаради.

Шунинг учун ҳам бу кўчалардан қатнайдиган автобус, троллейбус, трамвайлардан фойдаланадиган фуқаролардан ушбу ўзгаришларни эътиборга олиб қўйишларини сўрардик.

Долзарб мавзуда суҳбат

лаб соат 8.00 дан то халқ сайли тугагунга қадар:

— Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Шароф Рашидов кўчаси Абдулла Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача.

— Ўзбекистон кўчаси Мовароуннаҳр кўчасидан Туроб Тўла кўчасигача;

— Навоий кўчаси Усмон Юсупов кўчасидан Амир Темур кўчасигача ёпилади.

Ушбу кўчаларда истисно тариқасида эрталаб соат 8.00 дан 16.00 гача жамоат транспорти ҳаракатланишига рухсат этилади.

Шунингдек, шу куни эрталаб соат 8.00 дан то халқ сайли тўлиқ тугагунга қадар;

— Шароф Рашидов кўчаси Абдулла Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача.

— Ўзбекистон кўчаси Мовароуннаҳр кўчасидан Туроб Тўла кўчасигача;

— Навоий кўчаси Усмон Юсупов кўчасидан Амир Темур кўчасигача ёпилади.

Ушбу кўчаларда истисно тариқасида эрталаб соат 8.00 дан 16.00 гача жамоат транспорти ҳаракатланишига рухсат этилади.

Шунингдек, шу куни эрталаб соат 8.00 дан то халқ сайли тугагунга қадар:

— Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Шароф Рашидов кўчаси Абдулла Қодирий кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Ўзбекистон кўчаси Мовароуннаҳр кўчасидан Абай кўчасигача;

— Пушкин кўчаси Истиқлол кўчасидан Абдулла Тўқай кўчасигача ёпилади.

— Мустақиллик майдони, Сайилгоҳ, «Правда Востока», Камол Ота Турк кўчалари эса тўласича ёпилади.

1 сентябрь куни Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг байрам муносабати билан бўлиб ўтадиган оммавий сайллари вақтида ҳам бир қатор кўчаларда транспорт қатновини тўхтатишга тўғри келади.

Жумладан, шу куни эрталаб соат 8.00 дан то халқ сайли тугагунга қадар:

— Буюк Турон кўчаси Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасигача;

— Амир Темур хиёбони, Матбуотчилар, Сулаймонова, «Правда Востока» кўчалари тўласича ёпилади.

Бу кўчаларда истисно тариқасида жамоат транспорти қатнови таъқиқланмайди.

Юқорида тилга олинган кўчаларда икки кун давомида транспорт қатнови тўхтатилганлиги муносабати билан шаҳар жамоат транспортининг ҳаракатланиш йўналишлари ҳам ўзгаради.

Шунинг учун ҳам бу кўчалардан қатнайдиган автобус, троллейбус, трамвайлардан фойдаланадиган фуқаролардан ушбу ўзгаришларни эътиборга олиб қўйишларини сўрардик.

Халқлар дўстлиги, Хадра майдонлари, Миллий боғ атрофида бўлиб ўтадиган сайл давомида ҳаракатланиш хавфсизлиги транспорт қатновини тўхтатмаган ҳолда амалга оширилади.

Шу билан бирга шароит тақозо қилган тақдирда бошқа айрим кўчаларда ҳам ҳаракатланиш қисқа муддатга чегараланиши мумкин.

Бундан олдинги байрам тантаналаридаги ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу сафар ҳам шахсий автомобиль эгаларидан иложи борича байрам кунлари жамоат транспортидан фойдаланишларини, автомашиналари рулини бошқармасликларини илтимос қилардик. Зеро, бу билан байрам кунлари рўй бериш мумкин бўлган ҳар хил кўнгилсиз тасодифларнинг олди олинган бўларди.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раҳбарияти республикада хизмат кўрсатган хор жамоасининг етакчи хонандаси **Абдувахоб ЭРГАШЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги шаҳарча ҳокими муовини Улуғбек Ҳайтовга онаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи **Марҳабо ДАДАХЎЖАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси раҳбарияти Дони Зокиров номли халқ чолғу оркестрининг собиқ созандаси ва бастакори **Турсун АЗИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.